

## МИРЗОНИНГ ИШҚИЙ МАВЗУИДАГИ ШЕЪРЛАРИ ХУСУСИДА

Файзуллаева Райхон Абдуллаевна

ҚарДУ Адабиётшунослик кафедраси, ф.ф.ф.д.

**Аннотация:** Мақолада XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида ижод қилган Муҳаммад Расул Мирзо шеъриятининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиёти тарихида тутган ўрнини қўрсатиб бериш ва адабий меросининг ғоявий-бадиий, поэтик жиҳатларини очиб беришга эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** девон, ғазал, образ, услугуб, тасвир, ташбех.

**Резюме:** В статье хорезмская литература конца 19-начала 20 вв. Узбекская классическая поэзия Мухаммада Расула Мирзы, творившая в его среде показать его место в истории развития литературы и литературного внимание к раскрытию идеально-художественных, поэтических аспектов его наследия направленный.

**Ключевые слова:** диван, газель, диван, газель, образ, стиль, аллегория.

**Resume:** In the article, Khorezm literature of the late 19th and early 20th centuries Uzbek classical poetry of Muhammad Rasul Mirza, who created in his environment to show its place in the history of the development of literature and literary attention to revealing the ideological-artistic, poetic aspects of his heritage directed.

**Key words:** divan, ghazal : (form of a poet), image, style, image, allegory.

Сўз санъати вужудга келгандан бўён ишқ мавзусига ижодкорлар томонидан қайта-қайта мурожаат қилинган ва ҳар бир адаб ишқни у ёки бу даражада поэтик талқин этишга муваффақ бўлган. Ишқ мавзусини ўзгача мезонлар, оҳорли ташбехлар воситасида янгича ифодаланишига эришилган. Адабиётда бу мавзуни четлаб ўтган ижодкорни топиш имконсиз. Зеро, “ишқу

ошиқ – бадий сўз санъатининг доимий йўлдоши. Ишқни куйламаган шоирни ва ишқ дарди аралашмаган шеърни топиш мутлақо мумкин эмас”<sup>1</sup> лигини шу билан изоҳлаш мумкин.

Муҳаммад Расул Мирзо лирик меросининг ҳам салмоқли қисмини ишқий мавзудаги шеърлар ташкил этади. Уларда шоир висол лаззати, ҳижрон изтироблари, жон ва жонон можаросига кўп бора мурожаат этади.

Маълумки, ишқий мавзуда яратилган шеърларда, асосан, образлар учлиги – ошиқ, маъшуқа ва рақиб образлари акс этган. Шубҳасизки, ошиқ ва маъшуқа образи ғазалда ҳар доим асосий ўрин эгаллайди. Рақиб (ағёр, ғайр) образи ҳам бадий ижодда кўп учрайдиган, ошиқ ва маъшуқа билан ёнма-ён келадиган қадимиј образлардан. Аслида, рақиб шахси номаълум, ноаниқ образ, аммо унинг хатти-харакати ва амали маълум. Бинобарин, шоир ағёрдан сўз очганда, фалакнинг золимлигидан, тақдирнинг кажрафторлигидан шикоят этади:

Шод этиб субху масо ағёр элин васли аро,

Йиглатиб ҳажри аро айлар манинг бағримни хун. [28<sup>6</sup> ҳошия]

Мирзо лирикасида ишқий мавзунинг уч асосий мотиви – маъшуқа сиймоси, ошиқнинг кечинмаси ва ҳижрон изтироби етакчи образ сифатида гавдаланади.

Мажозий ишқ куйланган шеъриятда маъшуқа марказий образ. У нозик хилқат, гўзал яратиқ. Унинг тасвири учун ижодкорлар ноёб бадий топилмалар, бетакрор таърифу ташбехлар қўллашга ҳаракат қилганлар. Сўзда унинг сувратини оҳорли тасвирлар билан безаганлар. Мирзо ғазалиётида ҳам ёр тасвирининг самимий, равон мазмундаги содда услубини кўрамиз:

Гул эмасдур сарвинозимнинг юзининг норича,

Накҳат ичра сунбул эрмас зулфининг бир торича. [31<sup>a</sup> ҳошия]

<sup>1</sup> Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1996. – Б. 142.  
WWW.HUMOSCIENCE.COM

Ошиқ севгилисисининг борлигини шунчалик қадрлайдики, ҳеч бир гулнинг гўзаллиги ёр юзининг қизиллиги қадар мафтункор эмас. Муаттарликда ўзига ошуфта қилувчи сунбул ҳам ёр зулфининг бир тори қадар хушбўй эмас.

Ҳеч бир дилбар жамоли офтоби шуъласи

Айламас кўзларни равшан партави дийдорича. [31<sup>a</sup> ҳошия]

Ёр жамолининг нури ошиқнинг кўзларини равшан қиласди. Ўзга дилбар ҳар не қадар гўзал бўлса ҳам бунга қодир эмас. Ҳатто уларнинг чиройи гул сифат бўлганда ҳам ошиқ учун ўз севгилисисининг йўлида битган тикан қадар севимли эмас:

Дилраболар гул масаллик орази марғуб эмас

Кўзларимга ул пари йўлида бутгон хорича.

Шоир ёр тасвирида “норича”, “торича”, “дийдорича”, “хорича”, “гуфторича”, “миқдорича” каби халқона сўзларни қофия сифатида танлар экан, бу ғазалнинг содда ва равон услубини таъминлайди.

Маъшуқа жамолининг тасвирида ёруғлик тимсолларининг қўлланиши кўхна ташбех. Бундан ҳар бир ижодкор ўзига хос восита сифатида фойдаланган. Мирзо ижодида ҳам бунинг ажойиб намуналарига гувоҳ бўламиз. Маъшуқа портрети чизилган қуидаги ғазалнинг матлаъсида тонготар вақти ва унинг жозибали манзараси тасвирланган:

Гар оразинг хуршидини қилсанг намоён, эй пари,

Юз ажз ила бошин қўяр йўлингға меҳри ховари. [32<sup>b</sup> ҳошия]

Ёрнинг қуёш мисол жамоли шу қадар мунаварки, унинг намоён бўлиши тонг қуёшининг ҳолини ҳам забун қиласди. Ва у юз ожизлик билан маъшуқанинг йўлига бошини қўйишга мажбур. Шундан сўнг шоир тонгги гўзалликдан тун тасвирига кўчади:

Ойланғуси бошинг уза ҳар кеча гўёким эрур,

Шамъи жамолингға ики парвона Моҳу Муштари.

Ёргуликнинг икки тимсоли – Моҳ билан Муштарий ҳар кеча жамолинг шамъига парвона каби тинмай айланади. Парвонанинг қисмати эса аён. У ўтга шундай шиддат ва ихлос билан талпинадики, оқибат ўзини ҳалок қилади.

Маълумки, мумтоз шеъриятда ёр жамолини васф этиш ўзига хос анъана. Маъшуқанинг соч, зулф, юз, хол, қош, кўз, киприк, лаб, тиш каби аъзолари ҳар бир ижодкор ишқий лирикасида тасвир обьекти бўлиб хизмат қилган. Мирзонинг ўнлаб ғазалларида бу тасвирларнинг латиф намуналари учрайди. Куйида улардан бирини тўлалигича келтиришни лозим топдик.

“Келур” радифли ғазаллар одатда, ёр висолига этишга яқин турган ошиқ тилидан баён қилинади.

Хуршид юз, жаллод кўз, ёри гуландомим келур,

Нозик бадан, рангин сухан, шоҳи неку номинг келур.

Майгун лабу ширин сўзу занжир зулфу меҳр юз,

Ханжар мижа, кофир кўзу bemexр худкоминг келур.

Ҳуро нишону маҳжабин, барнову чобук нозанин,

Ғоратгириисломи дин зулфин қилиб доминг келур.

Қотил кўзу меҳробқош, зебо қаду фарзонаваш,

Лоларух ораз қуёш айларга икроминг келур.

Мушкин сочу гул пийраҳан, оҳу нигоҳу сийм тан,

Зийнат фазои анжуман бир нозик андоминг келур.

Хандон лабу олий гуҳар ширин дудоқу лаб шакар,

Дурдона тиш кони хунар бермак учун коминг келур.

Фикр этма, Мирзо, кўб ётиб, андуҳи фурқатға ботиб,

Ҳажр оқшоми субҳи отиб, ёруб қаро шоминг келур. [12<sup>a</sup>-12<sup>b</sup>]

Ошиқнинг завқ-шавқи, висол лаззатига бўлган умиди иштиёқи акс этади.

Хоразм адабий муҳитининг забардаст вакиллари Огахий, Мунис, Комил Хоразмий қаторида ўнлаб ижодкорлари лирик меросида ушбу радифда

яратилган ғазалларга дуч келамиз<sup>2</sup>. Бизнингча, уларнинг катта қисми Феруз ғазалига пайрав сифатида вужудга келган. Ҳатто айрим ижодкорларда “Келур” радифли бир нечта ғазаллар борлиги кузатилади. Хусусан, Ҳаёлийда тўққизта, Оқилда бешта шундай ғазал бор<sup>3</sup>. Албатта, бу пайрав ғазалларнинг барчасини бадий жиҳатдан мукаммал деб даъво қилиш ўринли бўлмас. Бироқ юқорида кўрилган Мирзо ғазали маъшуқа портрети тасвирида гўзал ташбеҳларнинг қўлланиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ишқий ғазалларда маъшуқа тасвири билан ошиқ ҳолати бир-бирини тақозо қиласди. Бунда ошиқ баъзан жафокаш, ғамзада сифатида тасвирланса, баъзида висолдан хушнуд, ишқдан муроди ҳосил образ сифатида гавдаланади. “Мирзо лирикасида ҳам ошиқларнинг ўз севгисига ета олмасдан қилган ҳасратлари, афсус ва надоматлари мотивлари устун қўйилган”<sup>4</sup>. Аввало, ҳижрон мотиви ҳакида. Ҳижрон ва висол ошиқ образи билан ёнма-ён қўлланадиган образ. Висолдан айро тушиш ошиқнинг сабру оромини олиб, чекаётган озорининг сабабкори:

Не янглиғ сабр этай ман зор ул дилдордин айру,

Чекарман юз туман озор хуш гуфтордин айру. [29<sup>a</sup>]

Шу боис ҳижрондаги ошиқ батамом умидсиз, қайгуга ботган:

Дилдор захри ҳажридин билкулл эрурман коми талх,

Ҳам айши даврондур ҳаром, ҳам ишрат айёми талх. [9<sup>b</sup>]

Бироқ бу изтироблар ҳам унинг учун лаззатли. Бутун борлиғи билан интилганининг озорини ҳам хушнудлик билан қабул қилишга ҳозир.

Ёрдин еткан жафо айши фаровондин лазиз,

Ҳар наким бордур лазиз, улдур манга ондин лазиз. [11<sup>b</sup>]

<sup>2</sup> Қаранг: Оғаҳий. Девон. Асарлар. 6 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б.187; Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. -Б.36; Комил. Девон.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.63.

<sup>3</sup> Девони Ҳаёлий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 6676(165<sup>b</sup>-169<sup>b</sup> вараклар); Девони Оқил. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 950(18<sup>b</sup>-19<sup>a</sup>, 19<sup>b</sup>-20<sup>a</sup>, 22<sup>b</sup> вараклар).

<sup>4</sup>Давлетов Б. Мирзо. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1962 йил, 4-сон. – Б. 60.

Бу эса унга озгина бўлса-да, умид баҳш этади. У тонг сахарда сабо орқали ёрга ўз ҳолидан хабар етказмоқчи. “Боди сабо” Шарқ шеъриятида деярли барча ижодкорда учрайди. Сабо – тонгги майин шабада. Шеъриятда поклик, мусаффолик тимсоли. Ошиқнинг ҳамрози сифатида рақиб образига қарама-қарши туради. Ҳижрон азобида қийналган ошиқ боди сабонинг ўз маҳбубасига мужда етказишига умидвор:

Эй сабо, қил кўнглим андухини жононимға арз,  
Йўқки бу бемор ҳасбим ҳолин эт жонимға арз. [18<sup>6</sup>]

Ғазал матлаъи Навоий “Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт” мисраси билан бошланувчи ғазалини ёдга солади. Диққат қилинса, Мирзонинг ўз салафида таъсирлангани яққол намоён бўлади. Қолаверса, шоир сабога арз қилар экан, бадиий ниятининг рӯёби учун ғазалнинг моҳиятига мос радифни қўллай олган.

Умуман, Мирзо шеъриятида ишқ мавзуси аксарият ҳолда дунёвийлик характеристига эга бўлиб, у шоир шахсий кечинмалари ва рухиятининг тиник тасвири ифодаланишида самарали ўрин тутади.

#### **Фойдаланилган адабииётлар:**

1. Огаҳий. Девон. Асарлар. 6 жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1971. –Б.392;
2. Комил. Девон.– Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.224.
3. Девони Хаёлий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 6676(165<sup>6</sup>-169<sup>6</sup> варақлар);
4. Девони Оқил. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 950(18<sup>6</sup>-19<sup>a</sup>, 19<sup>6</sup>-20<sup>a</sup>, 22<sup>6</sup> варақлар).
5. Давлетов Б. Мирзо. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1962 йил, 4-сон. – Б. 60.